
ҚУВА ТУМАНИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА ҚАРИЙБ 25 МИНГ ТОННА ПАХТА ХИРМОНИ БУНЁД ЭТИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Қува туманида бўлиб, тумандаги фермер хўжаликлари далаларида пахта йиғим-теримининг бориши билан танишди, теримчиларга яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Қува туманида жорий йил пахта ҳосили учун 235 та фермер хўжалиklarининг 6225 гектар дала майдонларига эрта баҳорда чигит экилган. Бугунги кунда ўртача 40 центнердан 24 900 тонна пахта хом ашёсини етиштириш белгилаб олинган. Мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 105 та терим отрядлари ташкил қилиниб, уларда 11 минг нафардан зиёд теримчилар меҳнат қилмоқда.

Тумандаги “Қосим карвон”, “Турдали Тўхтаҳон саховати”, “Тоиржон Қорабоев ҳосили”, “Акмалжон Матмусаев” каби фермер хўжаликлари далаларини айланган вилоят ҳокими, теримни ташкил этиш борасида фермер хўжаликлари раҳбарлари билан мулоқот қилди, яратилган шароитлар юзасидан теримчилар билан суҳбатлашиб, уларга совғалар тақдим этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-12 19:36:20